



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
БҮЙРУҒИ**

2020 йил “ ____ ” _____ № _____

Бухоро ш.

**Институтда коррупцияга қарши курашиш
ва одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 4 сентябрдаги 02-2488-сонли топшириғига мувофиқ тасдиқланган “Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”, шунингдек, 2020 йил 25 сентябрдаги 02-2700-сонли топшириғига мувофиқ “Мамлакатда коррупцияга қарши олиб борилаётган ислохотларнинг кўлами ва сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси”да белгиланган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган намунавий қоидалардан келиб чиқиб, ходимлар одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини виждонан ва самарали бажаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, давлат хизматида мансабини суистеъмол қилиш ва коррупциявий ҳолатларни олдимни олиш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 27 октябрдаги 564-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 27 октябрдаги 564-сонли буйруғи ижро учун қабул қилинсин.
2. Институтда ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ қоидалари 1-иловага мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Ю.Шукуруллаев, институт катта юрисконсулти Қ.Эшев, ходимлар бўлими бошлиғи Г.Жумаева ва касаба уюшмаси раиси Ш.Очилов зиммасига:
 - ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини доимий назоратга олиш;

- ходимларни коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ қоидалари билан таништириш ҳамда унга риоя этилиши юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Институт жамоатчилик Кенгаши томонидан:

- бир ҳафта муддатда коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ комиссияси таркиби тасдиқлансин;

- ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Асос: Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 27 октябрдаги 564-сонли буйруғи.

Ректор

Н.Р. Баракаев

Лойиҳа киритувчи:

ЁБИММ бўлими бошлиғи:

Н.Мирзақулова

Келишилди:

ЁБИБ проректор:

Ю.Шуқуриллаев

Ходимлар бўлими бошлиғи:

Г.Жумаева

Катта юрисконсульт:

Қ.Эшев

**Бухоро муҳандислик-технология институтининг коррупцияга қарши
курашиш ва одоб-ахлоқ комиссияси таркиби**

1. Н.Р.Баракаев – ректор, комиссия раиси
2. Ш.М.Ходжиев – ўқув ишлари бўйича проректор, комиссия раиси ўринбосари
3. Ю.А.Шуқуриллаев – ёшлар билан ишлаш бўйича проректор, раис ўринбосари
4. Ф.Т.Файбуллаев – молия-иқтисод ишлари бўйича проректор, раис ўринбосари
5. М.З.Шарипов – илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис ўринбосари
6. Н.И.Мирзақулова – “Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими” бошлиғи, аъзо
7. Г.Жумаева – ходимлар бўлими бошлиғи, аъзо
8. Қ.Эшев – катта юрисконсулт, аъзо
9. Ш. Н. Атауллаев – “Нефт-газ технологияси” факультети декани, аъзо
10. Н.Н.Садуллоев – “Энергетика” факультети декани, аъзо
11. Ш.М. Муродов – “Механика ва архитектура-қурилиш” факультети декани, аъзо
12. Х.Х.Рахмонов – “Енгил саноат” факультети декани, аъзо
13. Р.Т.Адизов - “Кимёвий ва озиқ-овқат технологияси” факультети декани, аъзо
14. С.С.Мусаев – “Тўқимачилик ва чарм саноат” факультети декани, аъзо
15. Х.Ф.Жўраев – “Технологик жараёнларни бошқариш тизимлари” факультети декани, аъзо